



келмаса ҳам уни бажаришга буюрар эди. Кунларнинг бирида Ибн Ҳубайра икки улуғ олим, яъни, Ҳасан Басрий ва Шаъбийни чақриб уларга: “Аллоҳ таоло Язид ибн Абдулмаликни бандалари устидан халифа қилиб қўйди, инсонларга эса унга итоат қилишни вожиб қилди. Кўриб турганингиздек, Язид ҳам мени Ироққа волий қилиб таъинлади. У вақти-вақти билан менга мактуб йўллаб туради. Мактубида баъзи бир ишларга буюрадими, уларнинг тўғри эканига қалбим хотиржам бўлмаяпти. Бу ишларда унга ёрдам беришимда, унинг буйруқларини бажаришимда менга диндан бирор ечим топиб берасизларми?”, деди. Шаъбий мулойимлик ила волийга енгиллик бўладиган томонини олиб жавоб берди. Ҳасан эса сукут қилиб турарди. Умар ибн Ҳубайра Ҳасанга қараб: “Эй Абу Саид, сиз нима дейсиз?”, деди. Ҳасан Басрий: Эй Ибн Ҳубайра, Язиднинг (буйруқлари) борасида Аллоҳдан қўрқ, лекин Аллоҳнинг ҳаққида Язиддан қўрқмагин! Билгинки, албатта Аллоҳ таоло сени Язиддан ҳимоя қилади, лекин Язид сени Аллоҳдан ҳимоя қила олмайди. Эй Ибн Ҳубайра, сенинг олдинга Аллоҳнинг амрига исён қилмайдиган, қаттиққўл, дарғазаб фариштанing келиши, сени бу тахтдан олиши ва кенг қасрингдан тор қабрингга кўчириб ўтказиб қўйиши бор! Сен у ерда Язидни топа олмайсан. Аксинча у ерда фақат Язиднинг Роббисига қарши қилган амалларингни топасан. Эй ибн Ҳубайра, агар сен Аллоҳ таоло билан бирга бўлсанг ва Унга тоат қилсанг, дунё ва охиратда Унинг Ўзи сени Язиднинг ёмонлигидан асрайди. Агар Аллоҳ таолога исён қилишда сен Язид билан бирга бўлсанг, албатта Аллоҳ таоло сени Язидга топшириб қўяди. Эй Ибн Ҳубайра, билгинки, Холиқ жалла ва Ёолога исён бўладиган ишда у ким бўлишидан қатъий назар, махлқуққа (яъни, бандага) итоат қилиш йўқдир! Умар ибн Ҳубайра йиғлади, ҳатто унинг кўз ёшлари соқолини ҳўл қилиб юборди. У Шаъбийдан кўра Ҳасанни маъқуллади. Ҳасанга юқори даражада ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. У иккиси Умар ибн Ҳубайранing ҳузуридан чиқиб масжид томон юра бошлашганди, одамлар уларнинг атрофига тўпланишиб, Ироқнинг амири Ибн Ҳубайра билан улар ўртасида бўлиб ўтган учрашув хабарини сўрай бошладилар. Шаъбий уларга юзланиб: “Эй одамлар, ким барча ўринда Аллоҳ азза ва жаллани халойиқдан устун қўя олса, шундай қилсин! Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, Ҳасаннинг Умар ибн Ҳубайрага айтган сўзини мен ҳам билардим. Лекин мен сўзимдан Ибн Ҳубайранing розилигини истаб гапирган эдим, Ҳасан эса Аллоҳнинг розилигини истаб гапирди. Аллоҳ мени Ибн Ҳубайрадан узоқлаштирди, Ҳасанни эса унга яқин ва суюкли қилиб қўйди”, деди.

Кудратуллоҳ Сидиқметов таржимаси